

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
МУСТАҚИЛЛИГИ-МИЛЛИЙ  
ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ЯНГИ  
ДАВРИ**

**Ўзбекистон мустақиллигининг  
16 йиллигига бағишланган**

**Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2007**

Ўзбекистон мустақиллиги – бу мамлакат аҳолисининг XX аср сўнгида қўлга киритган улуғ тарихий ғалабасидир. Бу миллат ақл-заковатининг, маънавиятининг, интеллектининг, менталитетининг амалда намоён бўлишидир. Истиқлол жамиятнинг ҳам, унда яшаётган кишиларнинг ҳам тақдирини ўзгартириб юборганидек, миллий давлатчилик институтини янги юксалиш, такомиллашиш даврини бошлаб берди.

“Ўзбекистон мустақиллиги - миллий давлатчилигимизнинг янги даври” илмий тўплам ўқитувчилар, аспирант, магистрлар ва олий ўқув юртлари тарих факультетларининг талабаларига мўлжалланган.

Мақолаларда келтирилган маълумотлар учун муаллифлар масъулдирлар.

**Масъул муҳаррир:**

тарих фанлари доктори,  
профессор **М. Олтинов.**

**Такризчилар:**

тарих фанлари  
докторлари, профессорлар  
**С. Иноятов, Ғ. Темиров,**

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
«Фан» нашриёти, 2007 йил.

ISBN 978-9943-09-458-1

# МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ МАВҚЕИ ВА НУФУЗИ.

**М. Олтинов, профессор.**

**Р. Ҳосилов, тадқиқотчи**

Ўзбекистон мустақиллиги – бу энг аввал, ҳар қандай ва барча ташқи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий в.х. ҳукмронлик ва тазйиқлардан тамоман озод бўлиш демакдир. Чунки давлатга, миллатга нисбатан бўладиган ҳар қандай «кўрсатма» миллий мустақиллик институтининг табиатига ҳам, манфаатига ҳам зиддир. Мустақиллик фалсафасининг қонунияти, диалектикаси ўзи шундай. Сиёсий мустамлакачиликнинг оқибати-миллий маҳдудлик, мўътелик бўлса, мустақилликнинг ижтимоий ҳосиласи – миллий-маънавий равнақ, суверен давлат сифатида дунёга танилиш ва жаҳон ҳамжамияти билан фаол ҳамкорлик қилишдир.<sup>1</sup>

Мустабид, тоталитар собиқ совет ҳукмронлиги даврида фанда ҳеч қачон Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви, халқаро нуфузининг ошиши деган алпозда масала қўйилмаган. Чунки совет давлатининг ўзи миллийликдан тамоман йироқ, европалашган қизил тоталитар империя эди. Шундай экан, мустамлакачи ўз қарамоғидаги миллатлар ва давлатларнинг жаҳонга чиқишидан манфаатдор эмас, унга йўл ҳам бермайди. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди.<sup>2</sup> Ўзбекистон мустақиллиги - бу зўравонликни қатъий ва бир умрга улоқтириб ташлади. «Катта оға»нинг қош-қовоғига қараб иш тутиш «маданияти»дан абадул-абад халос бўлдик.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Халқ сўзи», 2007 йил, 1-июнь.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. «Халқ сўзи», 2005, 15 январь.

<sup>3</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 51-бет.

Тарихда шундай воқеалар бўладики, у жамиятнинг ҳам, унда яшаётган кишиларнинг ҳам ижтимоий тақдирини, мавқеини ўзгартириб юборади. Ўзбекистон мустақиллиги ана шундай улуғ воқеалар сирасига киради. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборининг, нуфузининг тобора ошиб бориши ҳам истиқлолнинг ҳосиласидир. Бунинг бир қанча омиллари ва манбалари мавжуд:

**Биринчидан,** фақат мустақил, озод жамиятдагина иқтисодий инфратузилманинг барча тармоқларини муттаносиб ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий шарт-шароити яратилади. Собиқ совет ҳукмронлиги йилларда Ўзбекистон фақат хом ашё етиштирувчи ҳудуд эди. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида оғир ва енгил саноатнинг кўплаб турлари барпо этилди. Энди Ўзбекистон ўзининг сифатли маҳсулотлари билан жаҳон бозорларида обрў-эътибор топомқда, кўплаб буюртмалар қабул қилмоқда.

**Иккинчидан,** истиқлол — бу дунёга чиқиш, жаҳон давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш демак. Мустақиллик шароитида давлат ўз қобилигига ўралиб, мутлақо, ривожлана олмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки давриданок жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш сиёсатини олиб борди. Бу сиёсат моҳиятан ўзаро ҳурмат ва миллий манфаатдорликка асослангандир. Бинобарин, «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатини амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир».<sup>4</sup>

**Учинчидан,** ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсий мавқеи, нуфузи у мамлакатдаги сиёсий вазиятга, ижтимоий-иқтисодий, интеллектуал-ҳуқуқий ривожланиш даражасига, моддий, табиий-ашёвий заҳираларга в.ҳ. боғлиқ.

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 50-бет.

Ўзбекистонда барқарор тинчликнинг таъминланиши сифатли қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга асос бўлмоқда. Демак, мамлакатнинг иқтисодий қудрати тобора мустаҳкамланмоқда. Ўз навбатида жамиятда унинг кўп йўналиши фаол ташқи сиёсат учун ижтимоий, иқтисодий, маънавий асос ҳозирлади.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи мустаҳкамланиб, нуфузи ошиб боришининг муҳим омилларидан бири жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилиш жараёнида янги технология ва барқарор инвестицияни жалб қилинишидир. Бу борада Ўзбекистоннинг ҳамдўстлик мамлакатлари орасида натижалари самаралидир. Жуда қисқа вақтда Ўзбекистонда ҳозирги замон технологияси билан ишлайдиган юзлаб йирик қўшма корхоналар қурилди ва муваффақиятли ишламоқда. Бу қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга жаҳон бозорларида талаб тобора ошиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан қулайлиги яъни Марказий Осиёнинг табиий-хомашё, энергетика, транспорт ва бошқа коммуникацияларга қулай ва бой минтақада жойлашганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Бешинчидан,** Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузининг мустаҳкамланиши ва юксалишида мамлакатда халқаро ҳуқуқ талабларига жавоб берадиган миллий ҳуқуқий тизимнинг яратилганлигидадир. Бу қонунлар мажмуасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устиворлиги тан олинганлигидадир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатида очиқ ойдинлик принципига амал қилиб, мафкуравий, диний қарашларидан қатъий назар, дунёнинг барча тинчликсевар давлатлари билан икки томонлама фаол алоқалар ўрнатган.

**Олтинчидан,** Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеининг мустаҳкамланиши ва нуфузининг ошишида унинг экспорт қудрати етакчи ўринда туради. Экспортга йўналтирилган иқтисодиёт нафақат жамият ижтимоий тараққиётини тезлаштиради, балки унинг узоқ келажак истиқболини ҳам белгилаб беради. Бу борада Ўзбекистон

истиклолининг ўн олти йиллиги арафасидаги энг катта ютуғи экспорт маҳсулотларини хомашё ҳолатида эмас, балки жаҳон стандартлари даражасидаги харидорбоп саноат маҳсулотлари сифатида чиқаришга эришганлигидадир. Бу мамлакат иқтисодиётини интенсив ривожлантиришнинг энг қулай йўли. Ҳозир Ўзбекистонда пахта толасига саноат ишлови берадиган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоклайдиган, харидоргир сифатли кийим-кечак ишлаб чиқарадиган ўнлаб саноат корхоналарининг ишлаётганлиги мамлакатнинг экспорт кўламини билдириб турибди. Ўзбекистонда тайёрланган маҳсулотлар аллақачон жаҳон бозорларига кириб борди ва ўзининг талабчан харидорларига эга. Бу Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг «экспорт имкониятларини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, аввало, қимматбаҳо хом ашёни қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш зарур.»<sup>5</sup> - деган ғоясининг ҳаётий ифодасидир.

**Еттинчидан,** Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари фақатгина савдо-иқтисодий алоқалар билан чегараланмайди. У жуда ҳам кўплаб йирик халқаро ташкилотлар, илмий, маданий муассасаларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси каби ўнлаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Энди ёш Ўзбекистон дунёга чиқди, уни жаҳон таниди ва тан олди. Бунда «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган башоратнинг амалдаги тасдиғи мужассамлашган.

Демак, келтирилган илмий хулосалардан аниқ бўлмоқдаки, фақат мустақил озод жамият ўзини ҳар томонлама, жумладан, халқаро муносабатлар доирасида ҳам

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 337-бет.

якқол намоён эта олар экан. Мустақил Ўзбекистон бу мактабни яна муваффақиятли ўтади. Эндиликда Ўзбекистон давлати жаҳон ҳамжамиятининг катта минбаридан туриб дунёнинг глобал муаммоларини ҳал қилишда фаоллик ва ташаббус кўрсатмоқда. Бу – ижтимоий аксиома.

Шунингдек, бу ютуқларни давлатнинг фақат ташқи сиёсатидаги натижаси деб кифояланмаслик керак. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга. У жамиятнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамламоқда, ривожланиш суръатини тезлаштирмоқда, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Истиқлол – Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширишнинг қудратли омилидир.

## **МИЛЛИЙ ҒОЯ – ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАРНИ АНИҚ МАҚСАДЛАР САРИ ЙЎНАЛТИРУВЧИ КУЧ**

**С.Иноятов, т.ф.д., профессор**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” қабул қилган қарорида “Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда”<sup>1</sup>, деб таъкидланган.

Шунинг учун ҳам миллий ғоя аввало, халқни, аҳолининг турли қатламлари, сиёсий партияларни юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ манфаати йўлида бирлаштирувчи маънавий омилдир. Бу борада Президентимиз фикр юритиб, бугунги кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари боришда:

---

<sup>1</sup> “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Халқ сўзи, 2006, 26 август.

**“сиёсий партиялар халқни, миллатни қадим-қадимдан бирлаштириб келаётган муштарак ғоялар ҳам борлигини доимо эсда тутиши зарур. Шу боис улар ўз манфаатларини ҳимоя қилишда бир-бирига рақиб ёки муҳолифат бўлиши мумкин, лекин ягона Ватан, ягона халқ манфаатлари ҳақида гап кетганда ҳаммаси бир мушт бўлиб бирлашиши даркор. Бугунги кунда бизнинг юртимизда миллий истиқлол ғояси ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб ҳисобланади”<sup>2</sup>**, деб уқтириши айтиш мумкин.

Жамиятни бошқарувчи миллий ғояга эга бўлган ва комил ишонч асосида ўз ҳаётий йўлини аниқ белгилаб олган инсон ёт ва зарарли ғоялар таъсирига асло берилмайди. Унда ғоявий ирода мустаҳкам бўлади. Шу маънода, миллий ғоя халқимизнинг янги жамият қуриш борасидаги ҳаракат дастури, етакчи кучи десак, муболаға бўлмайди.

И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” номли маърузасида “Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланадиган замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам диққатимиз марказида бўлди”<sup>3</sup>, деб уқтирди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёқараши, фикрлаш тарзида туб ўзгаришлар бўлиб беришди. Халқимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида мужассасам этадиган миллий ғояни яратиш ижтимоий-сиёсий ва маънавий

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 14-бет.

<sup>3</sup> Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Халқ сўзи, 2007, 31 август.

тараққиётимизнинг муҳим шарти бўлиб қолди. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **“Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда”**.<sup>4</sup>

Ана шу зарурат туфайли миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари шаклланди ва бугун барча таълим тизимида чуқур ўрганилмоқда.

Демократик жамиятда амал қиладиган плюрализм (фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги) кишиларга ўз ҳаётий манфаатлари, мақсад ва интилишларини акс эттирадиган илғор ғояни танлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш имконини берди.

Маълумки, инсоният тарихида чуқур из қолдирган буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар кенг оммани ишонтириш, юксак марралар сари рағбатлантириш қобилиятига эга бўлган моҳир нотик бўлганлар. Улар ғоянинг ишончли ва ҳаётий бўлиши учун у, аввало, илмий-назарий асосга эга бўлиши, ҳаётий далилларга таяниши лозим эканини яхши билганлар. Буюк аждодларимиз мафкуравий кураш — жамиятнинг онгли ва фаол қатламининг бирон бир ғояни ҳимоя қилиш, қарор топтириш йўлидаги кураши эканини англаб етганлар. Ана шундай кишилар етакчилик қиладиган инсонпарвар ва демократик жамият ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиб келган ва курашмоқда.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни бугунги кунда одамларга ҳаётий фактлар орқали содда ва лўнда қилиб тушунтириш, истибдод асоратларини тарихий далиллар асосида фош этиш миллий ғояни кишилар онгига

---

<sup>4</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 3-бет.

сингдиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бу ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, биринчи навбатда, раҳбар кадрлар, зиёлилар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг муҳим вазифаси, фуқаролик бурчидир. Миллий ғояга садоқат, касбий маҳорат, кенг оммани ишонтириш ва сафарбар этиш қобилияти-кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда асосий мезон бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар, партиялар, синфлар, қатламлар миллий ғоя асосида сиёсий-ижтимоий жараёнларга ўз муносабатларини белгилайди. Ватан мустақиллиги ва яхлитлигига таҳдид соладиган турли мафкуравий хавф-хатарлар кучайган ҳозирги шароитда кишиларни Ватан истиклоли, юрт равнақи йўлида жипслаштириш ва сафарбар этишда миллий ғоя муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий курашлар даврида аҳолининг жуда оз қисмини ва тор манфаатларни кўзловчи, бузғунчиликни мақсад қилиб олган мафкуралар ҳам дунёга келиши мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Халқ – ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалари, сўнмас хотираси ва буюк туйғулари билан яшаб келаётган қудратли куч. Ёлғонга, алдовга дуч келган пайтда унинг асрий қадриятлари, доимо уйғоқ виждони тилга киради, ноҳақликка, қабихликка қарши курашга даъват этади”<sup>5</sup>.**

Миллий ғоя халқ тараққиётининг энг оғир, мураккаб даврида, айниқса, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан янгисига ўтиш жараёнида кенг халқ оммасини маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Уларда келажакка ишонч туйғуларини уйғотишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам чинакам миллий асосга эга бўлган истиклол ғояси ўзининг жозибаси билан кишиларни ўз кучига ишонишга, истикболга умид билан қарашга ундайди. Бунда халқ орзу-умидларининг қай даражада акс этиши ҳам муҳим аҳамиятга

---

<sup>5</sup> Ислом Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор”, 2000, 8 июнь.

эга. Чунки, фаровон ва бахтли ҳаёт куриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллатлараро тотувлик, тинчлик, дўстлик ер юзидаги барча халқларнинг азалий орзусидир. Демак, миллий истиқлол ғоясининг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги халқ орзу-умидлари билан нечоғлиқ тўлиқ ва ёрқин боғлиқлиги, уларни рўёбга чиқаришнинг йўллари ва воситаларини қай даражада тўғри аниқланишига боғлиқдир. Чунки жамият аъзолари бу ғояда ўз ҳаётий манфаатлари, орзу-умидлари ифодасини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида жаҳон афкор оммасининг тинч бунёдкорлиги ҳаётига хавф сола бошлаган халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашиш, уларнинг бирламчи манбаларига зарба бериш тўғрисида тўхталиб, бундай деган эди: **“... Ёвузчилик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини захарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хомҳаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак”**.

Мамлакатимизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш вазифалари кўп жиҳатдан халқимиз иродасини миллий ғоя атрофида нечоғлиқ жипслаштиришга, унинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, тараққийпарварлик, фаоллик, омилкорлик фазилатларини янада такомиллаштиришга боғлиқ. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, **“Ҳаммамизнинг мақсадимиз шу муқаддас она юртимизнинг тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш экан, баҳамжихат бўлиб, ҳар биримиз ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз керак”**<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 29-бет.

Бу эса Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари, мамлакат мустақиллиги, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳар бир оила, маҳалла-кўйнинг фаровонлиги борасида ҳар биримиз масъул эканимизни англатади.

## **ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ - ДОЛЗАРБ ВАЗИФА**

**Ғ. Темиров, т.ф.д., проф.**

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф – одатларимизни асраб авайлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Она юрт, Ватан озодлиги учун курашнинг тарихий илдизлари узоқ даврларга бориб тақалади. Жумладан, IX-XII асрларда ҳозирги Ўзбекистон хоразмийлар салтанати сифатида бутун Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон, Кавказ ҳудудларини ягона ва қудратли давлатга бирлаштирган эди. Натижада ўша даврларда фан, маданият, адабиёт ва санъат беқиёс ривожланган. Ўлканинг ўзига хос меъморчилиги шаклланиб, жуда катта қурилиш иншоотлари вужудга келган ўша даврда халқ хўжалиги юксак поғонага кўтарилган. Хўш, ўша даврда фан ва маданият шу даражада ривожланишига нима сабаб эди деган саволга, Мусо ал – Хоразмий, Имом Муҳаммад ал- Бухорий, Аҳмад ал – Фарғоний, Имом Исо ат – Термизий, Абу Райхон ал-Беруний, Маҳмуд аз- Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Абу Али ибн Сино, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур, Абулғозий Баҳодирхон каби улуғ алломаларнинг мамлакат маданий – маърифий соҳасини юксак чўқилларга олиб чиқишида жуда катта ва муҳим роль ўйнаган.

1200 йилнинг биринчи чорагида шу тараққий этган мамлакатга Чингизхон бошлиқ мўғил истилочилари

бостириб кирди ва уни забт этди. Бироқ, Шайх Нажмиддин Кубро, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди хоразмшоҳларнинг мустақилликни сақлаб қолиш, ёвга қарши олиб борган афсонавий кураш лавҳалари халқ ёдида сақланиб қолган, бошқача айтганда, уларнинг қахрамонликлари, жасурлиги ва мардлиги, беқиёс ватанпарварлиги ва инсонпарварлиги элдан — элга, тилдан — тилга ўтиб келмоқда. Буни талаба ёшларимиз билишлари керак.

Айниқса, Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳнинг жасорати ва матонатини, ватанга садоқатини, халқига меҳр — муҳаббатини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ватанни, халқни деб, оқ сут бериб боққан, тунлари алла айтиб ўстирган меҳрибон онасини, суюкли рафиқасини, азиз болаларини Жалолиддин ўз қўли билан сувга чўктиришга мажбур бўлди. У онаси билан маслаҳатлашиб, душман қўлига тушгандан кўра, шу қисматни афзал кўрди. Ватан, халқ ва мустақилликка нисбатан бўлган муҳаббат туйғусини бундан юксаклиги намунасини тасаввур қилиш мумкин эмас. Кейинчалик ватанни мўғил истилочиларидан озод қилиш борасида Амир Темур жуда катта жасорат кўрсатди ва Ватан мустақиллигини тўла таъминлади. Шунинг учун ҳам ҳозир мустақил мамлакатда Амир Темурнинг буюк номи эъзозланиб янада буюклашиб, абадийлаштирилди.

Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, чор Россияси Туркистон мамлакатига қарши юриш қилиб уни бутунлай босиб олди. Марказий Осиё давлатлари ва халқи 1991 йилнинг 31 августигача тобе бўлиб, мутеликда яшади. Ўз уйига хўжайинлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди<sup>1</sup>. Босқинчи ва ҳукмрон давлат тақиб, тайзиқи ҳамда зўравонлиги туфайли дину диёнат, миллий қадриятлар, одоб — ахлоқ анъаналари, мусулмончилик ақидалари, хуллас, ўзбек халқининг ўзлиги оёқ ости қилинди. У миллий маданиятдан аста—секин маҳрум бўла бошлади. Ҳатто аҳвол шу даражага бориб етдики, ёшлар миллий

---

<sup>1</sup> Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1989 йил

қадриятларининг ўзи нималигини тасаввур қилмасдан қолдилар. Агар қариялар қадимий урф – одатлар, миллий байрам ва маросимлар ҳақида сўзласалар, ёшлар бунга бефарқ бўлиб, афсона гапирманг деб кула бошладилар. Хўш бундай бўлишининг сабаби нимада?

Бу саволга фақат мутелик, қуллик, тобелик деб жавоб бериш мумкин холос. Халқ охир – оқибат иқтисодий ва маънавий инқирозга дуч келди. Бу дордан қутилишнинг битта йўли бу мустақилликда кўринар эди. Мустақиллик бутун ўзбек халқининг асрий орзу – умиди, холис нияти ва истаги эди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон мустақилликка эришди. Уни жаҳон тан олди. Ўзбекистон мустақилликни мустаҳкамлаш, уни тобора ривожлантириш кучлари вужудга келди. Натижада собиқ иттифокдан ажралиб чиққан республикалар ичида биринчи бўлиб, президентлик бошқаруви амалда жорий қилинди, турли соҳаларда ҳар томонлама ислохотлар қилина бошланди, жамиятни тубдан янгилаш чора–тадбирларини кўришга жиддий киришилди. И.А. Каримов сўзи билан айтганда “Ўзбекистон халқининг ажралмас ҳуқуқи – ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди”<sup>2</sup>.

Хўш, қарийб 130 йилдан ортиқ давр мобайнида мустамлакачилик жабрини тортган, ер ости ва ер усти бойликларидан бутунлай маҳрум бўлган, қуллик асоратида кун кечириб келган жабирдийда ўзбек халқи бир оз эркин нафас ола бошлади. Ўзбек халқи учун энг муқаддас бўлган Наврўз байрамини кенг нишонлаш даврида халқимиз ўзлигини анча – мунча таниб ҳақиқат ва адолат борлигига иймон келтирди. Бундай ҳодисалар кенг халқ оммасининг уйғонишига туртки бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонни биринчи мустақил давлат сифатида Туркия ҳукумати тан олди.

Кейинчалик жуда кўп хорижий давлатлар мустақил давлат сифатида тан ола бошладилар.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таққиёт йўли . Тошкент. “Ўзбекистон”, 1992, 3 бет.

Бу ўринда бир тарихий далилни ёшлар онгига етказиш лозимга ўхшайди. 1870 йиллар ўрталарида Хоразмшоҳ Саййид Муҳаммад Раҳимхон Феруз Туркияга сафар қилиб, турк султони билан учрашади ва қариндошлик иplarини боғлайди, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни ўрнатади. Турк шоир ва олимларини Хивага таклиф қилади, ҳамда уларнинг асарларини Хоразм тошбосмахонасида нашр қилиш ишларига бош қош бўлади. Шу тарихий воқеа қарийб 115 йилдан кейин қароматли И.А. Каримов томонидан такрорланди. У Туркия Президенти Турғут Узол билан дўстлашди, икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни тиклади, мустаҳкамлади. Бундай далил Президентимиз дипломатиянинг тарихий асосларини, шунингдек, халқ дипломатиясининг пухта билишини ифода этади. Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақилликка эришди ва бутун дунёга танилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Фақат, шу ходиса учун ҳам Президентимизнинг номи Ўзбекистон тарихи саҳифаларига миллий қаҳрамон сифатида зарҳал ҳарфлар билан ёзилди<sup>3</sup>.

Хўш, Ўзбекистонда мустақил давлат барпо этилди, энди уни ҳаракатга келтирувчи дастури бўлмоғи керак. И.А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асари худди шу дастур вазифасини ўтади. Чунки бу асарда ҳукуматни ички ва ташқи сиёсатда қандай ишлар, қай йўсинда бажарилиши аниқ ва равшан кўрсатилган. Демак, Ўзбекистон ер усти, ер ости бойликлар, бошқа табиий бойликлар, авлод аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий - техникавий ва маънавий куч – қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг қафолати, ижтимоий тараққиёти ва раванқининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, талаба ёшлар онгига мустақиллик руҳини сингдириш ва мустақил турмуш йўл – йўриқларини ўргатиш ниҳоятда долзарб вазифадир. Бу иқтисодий –

---

<sup>3</sup> Сафо Очил. Бир гап айтай қулоғингга. Урганч. 1993, 4-бет

ижтимоий ва маънавий –тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Шунинг учун мустақил иқтисодий сиёсат ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашнинг асоси бўлиб қолиши керак. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам, янги мустақил Ўзбекистон давлатининг равнақи ва тараққиётида салмоқли ўринни эгаллайди.

## **ШАХС ВА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТИ–КОМИЛЛИК МЕЗОНИ**

**Ш. Муҳамадиев, доцент**

**А. Муҳамадиев, тадқиқотчи**

Кишилиқ жамияти пайдо бўлганидан бери ақли расо, фикри ойдин кишилар жамиятни ҳар жиҳатдан ривожланган, тўқис ва фаравон кўришни астойдил истаб келганлар. Жамият аъзоларини маънавий комиллик сари қадам – бақадам юксалиб боришга даъват этганлар. Айниқса қадимги Шарқ фалсафасида маънавий комил инсон масаласи марказий ўрнида турган. Бу фалсафада моддий фаравонликка эришишнинг асосий йўли маънавий покланиш, маънавий баркамоллик эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач халқнинг, айниқса ёш авлоднинг маънавий тарбиясига муҳим аҳамият берилди. Чунки мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдай муқаддас ишда маънавиятнинг ҳал қилувчи омил эканлиги маълум эди.

Президентимиз Ислом Каримов жамият тараққиётида инсон маънавиятининг ўрни нақадар юқори эканлигини таъкидлар экан, “Маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон-ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади,”<sup>1</sup> - деб ўқтирадилар.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5- жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 149 бет

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш асосий устувор вазифа қилиб қўйилган. Зеро, “Юксак маънавияти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқдир,”<sup>2</sup> – деб огоҳлантирадilar Президентимиз Ислон Каримов.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач буюк келажак курмоқдай улуғ мақсадни ўз олдига қўйди. Давлатимиз ўз фуқароларининг маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятини юксалтириш, шу асосда барча имкониятлардан фойдаланиб жаҳонга юз тутиш, дунё ҳамжамятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашдек улуғвор вазифани қўйди. Бундай улуғвор вазифани бажаришда Ўзбекистон ёшларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Президентимиз Ислон Каримов маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш ҳозирги ва келажак ҳаётимизда, умуммиллий, умумдавлат миқёсида улкан аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирар эканлар, “Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг ХХІ асрда жаҳон ҳамжамятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам буларнинг барча –барчаси, авваламбор, янги авлод, ўниб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”<sup>3</sup> деб таъкидлайдилар.

Ўзбекистон ёшларининг орзу мақсадлари Ватан мустақиллиги ва тинчлигини сақлаш, халқ фаровонлигини таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшиш шу аснода янги жамият барпо этишдан иборат. Зеро улар шу янги жамиятда яшайдилар, шу Ватан фуқароси ва шу

---

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5- жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 50 бет.

<sup>3</sup> Каримов И. “Камолот” ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. “Халқ сўзи”. 2001. 25- январь.

халқ фарзанларидирлар. Ўсиб келаётган янги авлод аввало узоқ ўтмиш тарихимизга, улуғ аجدодларимизнинг маънавий меъросига таянишлари лозим. Улар маънавиятимиз устунлари бўлган Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Наср Фаробий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек шарқ даҳоларидирлар. Бугунги ёшлар ана шундай буюк сиймоларнинг илмий – маънавий меъросларига таянган ҳолда фаолият кўрсатишлари лозим бўлади. Қолаверса халқимизнинг азалий анъаналарига, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қилаётган урф-одатларимизга, умуминсоний ва замонавий ютуқларга таянмоқлари керак. Қайсики жамиятимизнинг порлоқ истиқболини, умумбашарий қадриятларни ва тажрибаларни ўзлаштириш, бойитиб бориш билан қўлга киритамиз. Мустақил диёримизнинг баркамол авлодлари барча мамлакатлар халқлари, ёшлари билан илм-фан, спорт ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида ҳамжихат, ҳамкор бўлишлари шарт. Мақсадимиз тинч-тотув яшаш, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришдан иборат.

“Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак”<sup>4</sup>, дейдилар Президентимиз Ислом Каримов. Айни пайтда бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай сусткашлик, хато-камчилик келажакка, бунёдкорликка берилган зарбага тенг бўлади. Шу ўринда жамиятимизда ёшлар тарбиясида айрим камчиликлар, бўшлиқлар вужудга келганини таъкидлаш лозим бўлади. Асосан шундай бўшлиқлар негизида баъзи ёшларнинг ҳар хил диний-экстремистик, террорчилик оқимлар таъсирига берилишига йўл қўйилди.

---

<sup>4</sup> Каримов И. “Камолот” ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. “Халқ сўзи”. 2001. 25-январь.

Бу эса мамлакатимизнинг асл фадзандлари рухиятига ётдир. Бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, янги жамият қуриш жараёнидаги орзу – мақсадларимиз йўлини тўсмоқчи бўлган кимсалар, аввало, ҳали ёш ниҳолдек бўлган, суяги қотмаган, мустақил дунёқарашга эга бўлмаган ёшларнинг маънавий дунёсига зарба беришга ҳаракат қилади.

Уларнинг мақсади муқаддас одатларимиз, анъаналаримизга тамомила зид бўлган ғояларни ёшларимиз онига сингдириш ва натижада ўзларининг ғаразли, жирканч мақсадларини амалга оширишга уринишдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ғоявий душманлари, истиқлол қўлга киритилишининг дастлабки давридан бошлаб ўзларининг манфур мақсадларини амалга ошириш учун тарғибот ва ташвиқот соҳасидаги барча йўллар, усуллардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилдилар, шу билан бирга ҳали эндигина қўлга киритилган мустақилликни барбод қилиш учун қатор жиной ишларни амалга оширдилар. Жумладан: 1991 йил октябрь ойида Президентни ағдаришга уриниб кўрдилар, 1991 йил 8 декабрда Наманганда диний экстремистик гуруҳ аъзоларининг конституцион тузумни ағдариб ташлашга қаратилган ҳаракатлари, 1992 йилнинг 16 январида Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида уюштирган тартибсизликлари, 1999 йил февралда Тошкентда террорчи кучлар томонидан содир этилган портлашлар, 1992, 2000, 2001 – йилларда террорчи тўдаларнинг чегараларимизни бузиб Ватанимиз ҳудудларига бостириб кириши ва уларнинг бартараф этилиши, 2004 йил 28 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида ҳамда 2004 йил 30 июль куни Тошкентда Исроил ва АҚШ элчихоналари, Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси биноси олдида террорчилар томонидан уюштирилган портлатишлар, 2005 йил 13 майда содир бўлган Андижон вақеалари бунга яққол далил бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов “Огоҳ бўлинг, одамлар!”, “Ўзингни, ўз уйингни –ўзинг асра!”, “Тинчлик

учун курашмоқ керак!”, “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди” деган шиорлари ва чақириқлари билан Ватанимизнинг тинчлигини бузмоқчи, хавфсизлигига раҳна солмоқчи бўлганларга қарши огоҳ бўлишга даъват қилиб келмоқдалар.

Ўзбекистон ёшлари мустақиллигимизнинг ғоявий душманлари йўлидан эмас, балки, Президентимиз Ислом Каримов белгилаб берган янги жамият қуриш йўлидан, тинч-тотув яшаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуруш йўлидан бормоқдалар. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ёшларига илм олиш, касб- ҳунарга, соғлом турмуш тарзига эга бўлиш ва бунёдкорлик, яратувчилик ишлари билан шуғулланишга барча имкониятлар яратиб берилди. Биз ёшларнинг асосий вазифамиз шу имкониятлардан унумли фойдаланиб Ватаннинг содиқ фарзандлари бўлишдир.

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ – ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ СИЁСИЙ АСОСИ.**

**М. Олтинов, профессор.**

**Ф. Полвонова, кат. ўқитувчи**

Ўзбекистон мустақиллиги – бу мамлакат аҳолисининг XX аср сўнгида қўлга киритган улуғ тарихий ғалабасидир.<sup>1</sup> Бу миллат ақл-заковатининг, маънавиятининг, интеллектининг, менталитетининг амалда намоён бўлишидир. Истиқлол жамиятнинг ҳам, унда яшаётган кишиларнинг ҳам тақдирини ўзгартириб юборганидек, миллий давлатчилик институтини янги юксалиш, такомиллашиш даврини бошлаб берди. Ўзбекистон Президентининг «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзудаги нутқида жамиятнинг ва давлатнинг барча бўғинларини демократлаштириш,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Халқ сўзи», 2007 йил, 1-июнь; Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Халқ сўзи», 2006 йил 26 август.

эркинлаштириш, бу жараён бошдан-охиригача ҳуқуқий асосда бориши таъкидланилган.<sup>2</sup> Жумладан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа – бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат, деб номланган бобда ижроия ҳокимиятнинг, қонунчилик палатасининг ҳуқуқларини янада ошириш, мамлакат аҳолисининг ижтимоий, сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш каби ўта долзарб масалалар таҳлил қилинган. Бундан чиқадиган энг муҳим хулоса «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» боришдир. Демак, марказий ҳокимият ўзининг бир қанча ваколатларини маҳаллий ҳокимиятга беришдан иборатдир.

Иккинчидан, биз ҳокимиятнинг учинчи томони суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз, - деб аталган бобда шахснинг ҳуқуқий манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилиш ва янада кенгайтириш, суд ҳуқуқ тизимида ишлаётган мутасаддиларнинг касб маҳоратини, масъулиятини янада ошириш каби масалалар илмий таҳлил қилинди.

Жамиятни ислоҳ қилиш, янгилаш ва эркинлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири – оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларни тезкор, холис ишлашга, масалага танқидий қарашга ўргатишдир. Чунки ахборот воситалари эркинлигини таъминламасдан, одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида асосли фикр айтиб бўлмайди. Бунинг учун энг аввал уларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш зарур. Шунингдек, оммавий ахборот

---

<sup>2</sup> Қаранг:Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. «Туркистон», 2005 йил 29-январь.

воситаларининг фондларини, нодавлат жамоатчилик радиотелевидениясини ташкил қилиш, уларни замонавий ахборот технологияси билан таъминлаш ўта муҳим вазифадир. Ўзбек миллий давлатчилигининг ўта муҳим вазифаларидан бири—бу унинг ташқи сиёсати тўғри, демократик принциплар асосида ташкил этилишидир. Жамиятда унинг асосий тамойиллари мавжуд. Улар, мамлакатда демократик ва бозор иқтисодиёти ислохотларининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, жамиятимизнинг тинч-осойишталиги ва унинг жаҳондаги нуфузи ошиб борганлиги, шунингдек, ватанимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси деб билиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш деганда иқтисодий омилларни ҳам назарда тутган эдилар. Бинобарин, Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқлари жадал ва изчил ривожланишига эришилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда олдинги йилларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эришилди. Хусусан қишлоқ хўжалигида фермер хўжалигининг ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг экспорт қуввати ошиб, жаҳон бозоридаги нуфузи мустаҳкамланмоқда ва бошқалар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақиллиги шароитида давлат бошқарув тизими тобора ислоҳ қилиниб, янгиланиб бораверади. Чунки жамият иқтисодий, маънавий жиҳатдан ривожланган сари давлат бошқарув институти ҳам тобора демократлашиб, эркинлашиб бораверади. Мазкур ўзгаришлар жамиятнинг маънавий, интеллектуал имкониятларини ҳам тобора мутаҳкамлаб, ривожлантириб боради. Бу жараёнларнинг барчаси бевосита давлат томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон мустақиллиги — миллий давлатчилигимизнинг тамоман янги босқичидир.

Айни замонда, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат

ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни ҳалқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларимизнинг марказида бўлмоғи зарур.<sup>3</sup>

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

**Р. Ражабов, доцент  
М. Йўлдошева, т.ф.н.**

Маълумки, давлат вужудга келиши биланок юксак тараққиёт даражасига бирдан кўтарила олмайди, у аввало шаклланади ва маълум тараққиёт босқичларини ўз бошидан ўтказади. Ўтиш даври эса барча давлатлар тараққиёти жараёнида содир бўладиган оралик ҳисобланади. Бу даврнинг умумий қонуниятлари ҳар қандай давлат учун ҳам умумийдир. Улар ўтиш даврининг бошланиши учун хос бўлган амалдаги сиёсий ҳокимиятнинг тугатилиши, унинг заминида иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилиши учун замин тайёрлаш ва мавжуд маънавий-мафкуравий зўравонликдан қутилиш кабилардир. Улар қайси даражада бўлишидан қатъий назар демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган барча мамлакатлар учун умумий зарурият ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам давлатчиликнинг янги тараққиёт босқичига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган эволюцион тадрижий йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилда ўз

---

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Халқ сўзи», 2007 йил 1-июнь.

Миллий ғоя тарғиботи ва манавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Халқ сўзи», 2006 йил 26 август.

ифодасини топди, илмий асосланди ва унинг концептуал ғояларини фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бу бош ғояни Президент Ислон Каримов жаҳон мамлакатларининг тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш асосида илгари сурди ва Ўзбекистонга мос ўтиш даври "модел"ини ишлаб чиқишда унинг дунёдаги биронта ҳам давлатлардаги "модел"ларига айнан ўхшамаслигига асосий эътиборни қаратди. У мамлакатимиз ўз мустақиллигини эндиgina қўлга киритган ва унинг хавфи ҳали батамом тугамаган шароитда 1992 йилда бу концептуал ғояни илгари сурди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон мустақиллик йилларида демократик жамиятга ўтиш йўллари Президент Ислон Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - биринчи чақириқ VI сессиясида (1996 йил 29 август) "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари"; Биринчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида "Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда" (1999 йил, 14 апрель), иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" (2003 йил апрел) қилган маърузаларида кўрсатиб берилди.

Ўтиш даврида асосий ғоя демократик жараёнларнинг олға томон ривожланишини ва маълум бир вақтга келганда бу жараёнга янги куч, қудрат ҳамда фаоллик бахш этишдир. Чунки, жараёнлар изчиллик билан таҳлил этилмаса, ундаги асосий муаммо аниқланмаса ва истиқболдаги вазифалар белгиланмаса ривожланиш ҳам бўлмайди. Шу маънода ҳам Президент демократик жамият кўриш борасидаги вазифаларни "чуқурлаштириш" (1996 йил) "эркинлаштириш" (1999 йил) ва "чуқурлаштириш ва

---

<sup>1</sup> Қаранг. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., "Ўзбекистон", 1993, 40-42-бетлар.

фуқаролик жамият асосларини шакллантириш" (2003 йил) каби концептуал ғояларида белгилаб берган.

2007 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” маърузасида истиқлол йилларида мамлакатимиз, халқимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини батафсил, чуқур таҳлил қилди. Республикаимизнинг босиб ўтган тараққиёт йўли ва олдимизга турган вазифаларнинг маъно – моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бу йўлни алоҳида иккита босқичга ажратди.

I-босқич - 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, туб ислоҳат ва ўзгаришлар давридир. Бу даврда совет давридаги эски маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Энг муҳими аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунё қараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди.<sup>2</sup>

II-босқич-2001-2007гача фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври. Ушбу босқичнинг дастурий вазифалари – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг

---

<sup>2</sup> Қаранг: КаримовИ. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 30-бет.

сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқоролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборатдир.

Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан-кучли фуқоролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва хал қилувчи вазифаси бўлиши даркор. Бу даврда давлат ва жамият қуриш соҳасида амалга оширилаётган демократик соҳалар мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди.<sup>3</sup>

Аммо, бу дегани ўтиш даврининг мустақил равишда бир неча босқичлардан иборат экан, деган хулоса келиб чиқишига асос бўлмайди. Чунки, ўтиш даврининг ўзи мамлакатнинг турли тузумлардан демократияга ўтишдаги мустақил "оралиғи", "кўприғи" ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган босқичлар ўтиш даврининг узлуксизлигини ифодаладиган кўрсаткичдир. Албатта, ўтиш даври ҳам мамлакатнинг тараққиёти маълум босқичга етгандан кейин ўз поёнига етиши мумкин.

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ:**

**тарих ва ҳозирги замон**

**М. Йўлдошева, т. ф. н.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тарихчилар билан бўлган учрашувда “Одамларга мустақилликнинг афзаллигини мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлиги, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак”<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эдилар. Президентимизнинг ана шу кўрсатмаларига таяниб, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутилиши, унинг

---

<sup>3</sup> Қаранг: Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 31-бет.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998, 12-бет.

қўлга киритилиши ва тарихий аҳамиятини ҳар бир фуқаронинг онгига етказиш лозим.

Аждодларимизнинг кейинги икки ярим минг йиллик ҳаётининг қарийб минг йили ўз мустақиллигидан маҳрум бўлиб, ажнабийлар ҳукмронлиги остида ўтган. Айниқса, ўтган асрнинг ўрталарида Россия империяси юртимизни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирди. Шўролар ҳокимияти даврида ҳам у марказга бўйсунувчи, ҳомашё етказиб берадиган қарам ўлка бўлиб қолаверди. Қарамлик, аввало, ҳалқимизнинг сиёсий жиҳатдан мутеълигида намоён бўлди. Миллий давлатчилигимиз инкор этилди, ҳалқнинг хоҳиш иродасига қарши ягона Туркистон парчаланиб, қизил империянинг маъмурий-ҳудудий қисмига айлантирилди, оддий масалаларни ҳам марказнинг рухсатисиз ҳал қилиб бўлмай қолди. Мустақил фикр юритишга уринганлар ҳибсга олинди, озодликдан маҳрум этилди. Бир сўз билан айтганда, ҳалқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

80-йиллар охирида республика ижтимоий ҳаётида жонланиш бошланди. Одамлар хилма-хил фикрлар билдириш имкониятига эга бўла бошладилар. Ўзбек ҳалқининг дилидаги ғоя мустақиллик ғояси эди. Мустақиллик учун ҳаракатда янги тўлқин бошланди. Аммо юртимизда ҳукмрон бўлган марказдан юборилган кишилар, уларнинг қош-қовоғига қараб иш юритадиган айрим маҳаллий ожиз раҳбарлар бу ғояга, уни амалга оширишга тўсқинлик қилдилар. Миллий қадриятларимизга нисбатан яна қатағонлик уюштирилди. Бу ҳаракат “пахта иши” деб номланиб, республикада ўн минглаб кишилар жиноий жавобгарликка тортилди.

Тарих тақозоси билан элим, юртим деб ёниб яшаётган Ислом Каримовдек фидойи инсоннинг Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари лавозимига сайланиши бу соҳадаги адолатсизликларга барҳам берилишига олиб келди.

И.Каримов ҳалқ хоҳиш-иродасини бажариб, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ишига бошчилик қилди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республика Олий

Кенгаши «Давлат тили ҳақида»ги қонунни қабул қилди ва маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида ўзбек тили тўла амал қилиши қонунлаштирилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақиллик сари ташланган **биринчи қадами** бўлди.

Ислом Каримовнинг саъй ҳаракатлари натижасида марказдан юборилган “кадрлар тўдасига” зарба берилди. Республика раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ишини ўз тасарруфига олди. Бу Ўзбекистоннинг мустақиллик сари ташлаган **иккинчи қадами** эди.

Шундай қилиб, 90-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда халқнинг мустақилликка эришишидан иборат азалий орзусини амалга ошириш кун тартибидаги бош масала бўлиб қолди.

И.А.Каримов КПСС Марказий комитетининг 1989 йил 20 сентябрдаги Пленумида “Биз иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ-равшан белгилаб қўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш тарафдоримиз”<sup>2</sup>, деб таъкидлади. Республикада иқтисодий ва сиёсий суверенитет учун қадам-бақадам чора-тадбирлар кўрилди.

1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида, Ўзбекистон тарихида биринчи марта, Президентлик лавозими таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сессияда яқдиллик билан Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистонда президентлик лавозимининг таъсис этилиши мустақиллик учун қўйилган **учинчи қадам** бўлди.

Ўзбекистон мустақиллиги учун ташланган **тўртинчи қадам** - 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “**Мустақиллик Декларацияси**”дир. Шу

---

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. III-китоб. Т.: «Шарқ», 2001, 18- бет.

кундан бошлаб Республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина бошланди.

1991 йил 17 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг мустақиллик сари қўйилган **бешинчи қадами** эди. Референдумда Ўзбекистон халқининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистонни мустақил республика сифатида фаолият юритишини истаб овоз беришди.

Марказ билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, марказ бошқарув қобилиятини йўқотган бир шароитни тўғри баҳолай билиш қобилиятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида қонун қабул қилишни талаб қилди. Республика Олий Кенгаши 1991 йил 26 август куни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1991 йил 28 августда бўлган Пленуми Республика Компартиясининг КПСС МК билан ҳар қандай ахлоқасини тўхтишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг Марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Олий Кенгаш депутатлари муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар. Ўзбекистон ССРнинг

номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Сўнгра «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти» қабул қилинди. Олий Кенгаш мазкур баёнот орқали халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб, республика халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат-Ўзбекистон республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ҳақидаги бу ҳужжатлар Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолатини тубдан ўзгартирди. Ўз моҳиятига кўра бу ҳужжат республика учун вақтинча конституция ролни ўйнайдиган бўлди. Бундай қонуннинг қабул қилиниши Мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқларнинг натижаси ҳисобланади. Бу эса ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий муносабатлар натижаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Шу тариқа халқимизнинг асрий орзуси, умидлари ушалди, рўёбга чиқди. Узоқ йиллар давом этган кураш натижасида мамлакатимиз, халқимиз сиёсий мутеълик, асоратдан қутилди. Дунё харитасида яна битта мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекистон тарихида янги давр – миллий истиқлол даври бошланди. Ўзбекистон учун мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, халқимиз учун ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзлари учун муносиб турмуш яратиш имконияти вужудга келди.

## **МИЛЛИЙ ҒОЯ - МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МАЪНАВИЙ НЕГИЗИ.**

**Ҳайитов З.У.**

Миллий ғоянинг ўзга ғоялардан фарқли томони шундаки, унда миллатнинг манфаатлари ўз ифодасини топади. Манфаат миллатнинг эҳтиёжларини қондириш заруриятини англатувчи тушунча ҳисобланади. Шу маънода ҳам у миллий ғоянинг шаклланишига ўзининг таъсирини ўтказиб боради. Ўз манфаатини англамаган миллатда

миллий ғоя ҳам шаклланмайди. Аммо, манфаат зиддият туғдирувчи омилга айланмаслиги керак. Айни пайтда манфаатнинг англанилмаганлик ҳолати ҳам миллатни тараққиётдан орқада қолишига олиб келиши мумкин. Манфаатларнинг англаниш даражасига қараб тараққиётга олиб боровчи янги миллий ғоялар ҳам юзага келиб боради. Бу узлуксиз жараён умуммиллий тараққиётни юзага келтиради.

Миллий манфаатлар тарихий тараққиётнинг босқичларида юзага келадиган янги вазифаларга қараб, такомиллашиб боради. Ўзбекистон олдида турган бугунги миллий манфаатлар вақт ўтиши ва уларнинг амалга ошуви натижасида эртага тарихга айланиши муқаррар. Истиқболда янги манфаатлар юзага келади. Шу маънода, манфаатлар тизимини аниқлашда унга истиқбол билан уйғун ҳолатда қараш тўғри бўлади.

Хўш, миллий ғоя миллий ривожланишда қандай вазифани бажаради?

**Биринчидан,** миллат вакиллариининг кўпчилик қисмини миллий ғояси мустаҳкам бўлган инсонлар ташкил қилган шароитдагина миллий манфаатлар учун умуммиллий ҳаракат вужудга келади. Худди мана шу умуммиллий ҳаракатни вужудга келтириш—миллий ғоянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади;

**Иккинчидан,** унинг миллат вакилларида ватанпарварлик, она заминнинг муқаддаслигини англаш туйғусини уйғотиши, уни кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш кераклигини тушуниб етишга таъсир этиши; миллий ғоя ҳар бир миллат вакилига унинг авлод-аждодлари ана шу заминда дунёга келган, унинг ҳузур-ҳаловатидан баҳраманд бўлган, ундан илҳом, завқ-шавқ олган ва кўним топганлигидан хабар бериб туради. Бу, ўз навбатида, она заминга меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлайди;

**Учинчидан,** миллий ғоя тарихий хотирани мустаҳкамлайди ва унинг такрорланмас имкониятларидан манба сифатида туртки, илҳом олиб туради;

**Тўртинчидан,** миллий ғоя миллат вакилларида миллат тақдири учун маъсуллик туйғуларини ҳам уйғотиб туради;

**Бешинчидан,** миллий ғоя фақат тор доирадаги туйғуларни шакллантирибгина қолмасдан, миллат билан ёнма-ён яшаётган ўзга миллат ва элат вакиллари хурмат қилиш, уларнинг манфаатларини ҳисобга олиш, уларни ўз атрофида бирлаштириш, мамлакат тараққиёти йўлида барча миллатларни уюштириш, диний ва инсоний бағрикенглик каби фазилатларнинг шаклланишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

Миллий ғоянинг вазифалари замоннинг миллат олдига қўяётган мураккаб муаммоларига мувофиқ кенгайиб, мураккаблашиб бормоқда. Улар айниқса тоталитаризмдан қутулиб, мустақилликни қўлга киритган, энди тараққиёт йўлига кириб бораётган бизнинг мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки, ўтказилган зўравонликлар натижасида миллий ривожланишда йўқотилган вақт ва имкониятларнинг ўрнини тўлдириш билан бир вақтда умумсайёравий жараёнларда ҳам замон талаби даражасида фаол иштирок қилишни ўзининг миллий ғоясида акс эттириши ҳамда уни амалиётга тадбиқ қилиши талаб қилинмоқда.

Албатта, бу мураккаб вазифани ҳал этишда мустақиллик берган эркин руҳият, ҳаяжон, кайфият ва илҳом миллий ғоянинг реалликка айланишига мадад бермоқда.

Аммо, ҳали уларнинг миллий мустақилликни таъминлашдаги имкониятлари ҳақида батафсил тўхташ зарур бўлади. Чунки, мустақил бўлган миллатгина ўз мақсадларини ғояларига сингдириши ва уни реалликка айлантириши мумкин. Миллий ғояда миллий мақсадлар ҳам ўз ифодасини топади. Мақсад миллатни тараққиётга етакловчи ғоя ҳисобланади. Мақсад миллатнинг ўзига хос хусусияти, ривожланиш даражаларига мос равишда юзага келади. У миллат тараққиётининг тарихий босқичларига мос равишда ўзгариб, мукаммаллашиб боради. Бу жараён миллий тараққиётнинг амалга ошувини таъминлаб туради.

Мақсад миллий ғоянинг ривожланишига, шаклланишига ўз таъсирини ўтказиб боради.

Миллий ғоянинг энг характерли хусусияти шундаки, у маълум синфлар, сиёсий кучлар ва ижтимоий гуруҳларнинг мақсадлари ҳамда манфаатларини ўзида акс эттирмайди. Унда мулкӣ, сиёсий ва ғоявий табақаланиш мақсади қўйилмаган, балки ҳар қандай шароитда ҳам миллий манфаат ва мақсадлари қандай бўлиши, қайси сиёсий куч вакили, иқтисодий аҳволи, турли муқобил ғояларга эътиқод қилиши ва бошқалардан қатъий назар, ягона миллат вакили сифатида миллий ғоя атрофида бирлаштиришни ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам миллий ғоя мамлакатда барқарорлик, тинчлик ва тараққиёт учун асос бўла оладиган мукаммал омил ҳисобланади.

## **МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ - МОЗИЙНИНГ ИСТИҚБОЛИ СИФАТИДА...**

**Ф. Ширинова, катта ўқитувчи.**

Аждодларимиз ҳамиша узоқни кўриб яшаган. Ватан, миллат, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамиша қалб кўримизда бўлмоғи зарур. Чинакам ўзбек миллати, асрий орзулар рўёби мустақиллик туфайли дунё юзини кўрди. Армонда кетган аждодларимиз фанимиз салмоғини, истеъдодларимиз номини бошқаларнинг байроғи остида намоён қилишдан мустақиллигимиз туфайли қутилди. Бугун мамлакатимизда ислохотлар авж олган бир пайтда таълим соҳасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса кадрлар тайёрлаш масаласи мустақилликнинг биринчи куниданок унинг дастурига айланди. Истеъдодли ёшларни ўзи қизиққан соҳасида етук инсонлар бўлиб етишишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиб берилган. Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Юртбошимиз И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси умумий йиғилишида иштирок этиб, **“Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятимизнинг танаси**

**бўлса, маънавият- маърифат ва сиёсий онг етуклиги, унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз лозим,”<sup>1</sup>- деган эди.**

Мустақиллигимизнинг қисқагина 16 йилидаёқ биз ана шу мақсадларнинг аксариятини амалга ошириб улгурдик. Улуғ мақсадлар, адолат, фаровон турмуш, эрк ва озодлик, мустақиллик орзуси билан ёниб яшаган ва бу орзулари сароб бўлган қанча — қанча юртдошларимизни биламиз. Мамлакатимизда юргизилаётган ҳар бир сиёсат ахлоқан етук, жисмонан бақувват, руҳан соғлом ёшларни тарбиялаш ва уларнинг келажагини таъминлашга қаратилган. Бундай сиёсат эса мустақил Ўзбекистоннинг пойдеворини мустаҳкамлаш ва келажак авлодларга фаровон юрт қолдириш учун зарурдир. Маданий ёдгорликлар ва тарихий жойлар халқ маънавиятининг сарчашмаси, руҳиятининг илдизи ҳисобланади. Уларни авайлаб асраш, қўриқлаш ва келажак авлодга етказиш миллатни асраш демакдир. Президентимиз И. Каримов айтганидек, «Миллий бойлигимиз ота - боболаримиз томонидан мерос бўлиб қолган. Демак, биз уни кўз қорачиғимиздек асрашимиз ва келгуси авлодларимизга етказишимиз лозим.»<sup>2</sup>

Юртимиз мустақилликка эришганидан кейингина маданий ёдгорликларимизни қўриқлаш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикамизда «Маданий мерос объектларини қўриқлаш ва фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга амал қилинди ва бунга кўра Республикамизда мавжуд 2500 архитектура ёдгорликлари, 2700 дан зиёд археология ва 1000 дан ортиқ маҳобатли санъат ёдгорликлари, жами етти мингдан ортиқ ёдгорликлар давлат ҳимоясига олинган. Фахр билан айтадиганимиз, мустақиллик берган яна бир неъмат Ўзбекистон халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида

<sup>1</sup> Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. “Маърифат”, 1994 йил, 13 июл.

<sup>2</sup> . Халқ руҳиятининг илдизи, “Муҳофаза ” журна. 2005 йил, № 2- сон 26- бет.

Хивадаги “Ичанқалъа”қўриқхонаси, Бухоронинг тарихий маркази, Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур ва темурийлар давлат меъморий ёдгорликлари, Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари Халқаро Жаҳон Маданий Мероси рўйхатига киритилгани ва ҳозирги кунда Халқаро Жаҳон Маданий Мероси Қўмитасига кириш учун яна 13 та тарихий обиданинг аризаси қабул қилинганидир. Халқимизнинг яқдиллиги, тарихимизга муносабати тимсолида мамлакатимизда ёдгорликларни сақлашнинг тараққий этган тизими ишлаб турибди. Бу тизимни давом эттириш мақсадида юртбошимиз ва ҳукуматимиз ташаббуси билан таъмирлаш ишларига катта маблағ ажратилган.

Тикланган кадр-қимматимиз, маданий меросимизни, мустақилликнинг саодатли онларини кадрига етайлик. Истиқлолнинг истиқболи саналмиш мозийдан қолган меросимизни ҳақиқий эгаси бўлиб қолиш авдодларимизга насиб этсин.

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ЮКСАЛТИРИШ АСОСИ**

**С. Ҳамроева, катта ўқитувчи**

Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи онги шуурида маданий, маънавий, ахлоқий, миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун кенг кўламли имкониятлар яратилди. Чунки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини ва озодлигини қўлга киритгач, ўтган ўн олти йил ичида ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш шарафига ҳам эга бўлди, ўз тарихига, ўзига хос миллий маданиятининг чинакам соҳибига айланди. Давлатимиз томонидан маънавиятга устивор давлат сиёсати берилиши бунинг яққол далилидир. Маънавий ва маданий ҳаётни аниқ йўлга солмай туриб, келажакни орзу қилиш мушкулдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **“Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда**

**мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”<sup>1</sup>**. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ота – боболаримиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган беқиёс маънавий ва маданий меросни тиклаб, халққа инъом этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ғоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Ўзбек халқининг маънавий сарчашмалари жуда қадим – қадимларга бориб тақалади. Юртбошимиз ҳам буни бир неча бор таъкидлаб, “Халқимизнинг маънавий пойдевори – бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам”<sup>2</sup>, - деган. Тарихдан маълумки, Оллоҳ бизга инъом этган заминда жаҳон фани ва маданиятига, илмига ўзининг буюк хизматлари билан ҳисса қўшган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирларнинг, ислом илми даҳолари Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Абу Мансур Мотрудий, Бурҳониддин ал – Марғилоний, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валийларнинг қолдирган бебаҳо мероси, жаҳон илму – фани дурдонасига айланиб қолган асарлари бугунги кунда мустақиллик шарофати билан жуда кўп нусхада чоп этилиб, халққа инъом этилдики, халқимиз уларни кўз қорачиғидек асраб ўрганапти.

Ўзбек халқининг миллий қаҳрамонларига айланган Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, Алпомиш достонининг 1000 йиллиги, 1996 йилда ЮНЕСКО қарори билан Амир Темурнинг 660 йиллиги бутун жаҳон бўйлаб ва ватанимизда кенг миқёсда нишонланиши, Амир Темур шахси ва маънавияти бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги эканлигининг тан оlinиши, ат – Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6- жилд. Т. “Ўзбекистон”. 1998, 25- бет

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд. Т. “Ўзбекистон”, 1996, 208 -бет

Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги, Имом ал – Бухорийнинг 1225 йиллиги, Бурҳониддин ал - Марғинонийнинг 910 йиллиги, Абу Мансур Мотрудий таваллудининг 1130 йиллигининг кенг нишонланиши, уларнинг хайкаллари йўнатилиши ва бебаҳо асарларининг чоп этилиши халқимиз орасида иймонли, диёнатли кишиларнинг кўпайиб бораётганлигидан далолат беради.

Ватанимиз озодлиги учун курашиб, қатағон қурбонига айланган Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий сингари жадидачи маърифатпарварларнинг бой маънавий мероси ҳам халққа қайтарилиб, уларнинг номлари қайта эъзозланди.

Буларнинг барчаси ўзбек халқи руҳиятини миллий ифтихор, ватанпарварлик томон ўзгартирдики, бу эса халқ руҳи куч – қудратининг биринчи ва энг асосий белгисидир. Зеро, юртбошимиз ҳам “Ўзбек халқи руҳининг тикланиши, миллат маънавий–ахлоқий идеалларнинг шаклланиши миллий ва умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ – атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий – руҳий негизни вужудга келтирди”<sup>3</sup>.

## **КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ - ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА.**

**Қ. Шоимов, тадқиқотчи**

Ўзбекистонда жамият ҳаёти ва иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ янги сиёсий-ижтимоий вазиятда ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояси масалалари аввалгидек кечиктириб бўлмайдиган устуворлик касб этади.

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6- жилд. Т. “Ўзбекистон”.1998. 128- бет.

Ижтимоий ҳимоя - жамият аъзоларининг эртанги кунга ишончини уйғотадиган, ишчи кучининг сифатини яхшилайдиган, пассив ҳаёт тарзидан фаолликка ундайдиган ўзига хос кадрият бўлиб, давлатда сиёсий барқарорлик, иқтисодий фаровонликни таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Адолатли, демократик давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири бўлган ижтимоий ҳимоялаш сиёсати юртимизда ҳам ўзининг мустаҳкам анъана ва негизларига эга. Юксак маънавият, кенг саховатлилик, эл-юрт дарди билан ёниб яшаш, ижтимоий адолат ғоясининг устунлиги, беминнат ёрдам кўрсатиш каби халқимизнинг азалдан қон-қонига сингиб кетган тамойиллар тарихий тараққиётда ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ўзини намоён этиб келади. Бой меросимизга назар ташлайдиган бўлсак, ҳукмдорлар томонидан ҳонақоҳ-ғарибхоналар, ҳаммом, карвонсарой, масжид каби иморати хайрияларнинг барпо этилиб, савдо-сотик ва ҳунармандчилик рағбатлантирилган, ижтимоий соҳалар фаолияти учун вақфдан мулклар ажратилиб, фаровонлик ва давлат равнақига эришилган. Хусусан, бобокалонимиз Амир Темур даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати юқори босқичга кўтарилган эди. “Амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда мачит, мадраса, ҳонақоҳлар бино этсинлар, фақир мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дор-ул аморат ва дор-ул адолат курсинлар. Ва раияту зироатни қўриқловчи қурчилар тайинласинлар”, дея таъкидлайди у ўз “Тузуқлар”ида. У ўз миллатининг ҳомийси сифатида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишда адолат ва инсоф билан ҳукм чиқаришга жиддий эътибор берган. Шонли салтанатдаги барча табақаларни ўн икки гуруҳга ажратиб, ҳар бирига алоҳида вазифалар топширилиб, маош белгиланган. Амир Темур фармонларидан бирида, жумладан, шундай фикрлар учрайди: “Яна буюрдимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчаси

тамғалансинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамғадан кейин ҳам гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узок мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки хайдасинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатимдан йўқолади”<sup>1</sup>.

Ижтимоий ҳимоялаш деганда, кенг маънода, жамиятнинг ҳар бир аъзосига муҳим ижтимоий ҳуқуқларни риоя қилинишини таъминлайдиган, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни ўзида мужассам этган қонунлар мажмуасини амалга оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг мақсад ва устуворликларини ҳаётга жорий этадиган давлат фаолиятини англаш мумкин. Тор маънода эса, ижтимоий ҳимоялаш кам таъминланган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий характердаги, аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини билдиради.

Бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш ва макроиқтисодий ўсишнинг таъминланиши негизда ижтимоий дастурлар амалга ошишига имкон яратилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан олға сурилган стратегик дастурга кўра, республикамизда 2010 йилгача аҳолининг иш ҳақлари миқдорини 2-2,5 мартага ошириш масаласи халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий тараққиёт ҳозирги ривожланишининг кўрсатишича, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қатор қонуний асослар яратилган. Шу билан бирга, янги ишлаб чиқиладиган “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида қуйидаги масалаларни қамраб олиш кўзда тутилган:

- аҳолининг ижтимоий ночор тоифаларини қўллаб-қувватлашда табақалашган манзилли тартибда ёндашиш;
- ҳар бир фуқаронинг ижтимоий муҳофазаси кафолатлари;
- ижтимоий ҳимоялашнинг асосий шакллари ва усуллари;

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991 й., 98-б.

- аҳолининг кам таъминланганлик даражасини баҳолаш мезонлари;

- муҳтож қатламларга ёрдам кўрсатишда хусусий тадбиркорлар ва жамоат ташкилотларининг иштироки.

Маълумки, ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасида 2007 йил 23 январда давлатимизда қарор қабул қилиниб, у аҳолига ижтимоий кўмак бериш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, муҳтож тоифалар ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларни кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш каби мақсадларни кўзда тутди. Дастур комплекс тусга эга бўлиб, 7 йўналишлар бўйича мўлжалланган 150 дан ортиқ тадбирни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя жараёнларини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари фаолиятини ҳам тубдан такомиллаштириш ва соҳа ходимлари иш мавқеини кўтаришга катта эътибор берилмоқда.

Мазкур йилда “Меҳрибонлик”, “Мурувват”, “Саховат” уйлари ва махсус интернатларга кўрсатилган ғамхўрлик бу ерда яшовчи ва тарбияланувчилар тўлақонли ҳаёт кечиришларига янги қулайликлар туғдирди. “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй жой сотиб олиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам бериб, сифатли

таълим, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, маслаҳат кўмаklarини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш сингари муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя янги тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири – иқтисодий эркинлаштириш ва демократик бозор иқтисодиёти концепциясига мос равишда ночор қатлам вакиллариини ўқитиш дастурлари ҳисобланиб, бунда уларнинг касбий малакаларини шакллантириш орқали даромад топишнинг муқобил манбаларини яратиш муҳим ўрин тутди. Бу жаҳон тажрибасида синалиб, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қодир ислохотлардан биридир.

Инсон манфаатлари, унинг кадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрият сифатида улуғланаётган юртимизда ижтимоий ҳимоя йили давом этмоқда. Бу эса жамиятимиз маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий юксалишининг янада юқори поғонага кўтарилаётганидан далолат беради.

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ РАВНАҚИ**

**У. Муродуллаев, аспирант**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўтмиш бой ва кўп қиррали маданий меросимизни қайта ўрганиш ва тиклаш ишлари асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов раҳбарлигида адо этилмоқда. Унинг раҳбарлиги остида мустақиллик шароитида тарихимиз ва маданиятимизнинг кўплаб томонлари ҳамда даврларига муносабат ҳолисона қайта кўриб чиқилди, ўз анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий маънавий қадриятларимиз ва маънавий меросимиз тикланди. Маданий меросимизни ўрганиш ва улуғлаш бўйича тадбирларга кўпинча юртбошимизнинг шахсан ўзи бош-қош бўлаётгани ибратлидир<sup>1</sup>. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. // Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2001.—113—121-бетлар; Каримов И.А. Имом Мотуридий таваллудининг 1130

таъкидлаганидек: «Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади»<sup>2</sup>.

Натижада, қисқа муддатда мамлакатимизда жуда кўп ишлар қилинди ва буларнинг барчаси давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрнини эгаллаши, бой маданий меросимизни тиклаш, ёт фикрлар ва манфаатларга қарамай ўз тараққиёт йўлини танлаш, ёшларда ўз халқи учун, унинг бой тарихи учун ифтихор ҳиссини тарбиялаш ҳамда келажак авлодлар олдида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, жамиятнинг олға ривожланиши учун масъулият ҳиссини пайдо қилиш имконини берди.

Бироқ маданий меросимизни тиклаш йўлида ўтмишни қайта англаш ўзини ва ўзининг жаҳондаги ўрнини ҳаддан ташқари юқори қўйиш натижасида шовинистик қарашлар билан боғлиқ таҳдидлар юзага келиши ҳам мумкин.

Натижада, кўпинча хорижда сиёсийлаштирилган вазиятдан келиб чиқиб ёзилган асарлар пайдо бўлмоқда, уларнинг муаллифлари ўзлари учун фойдали молиявий изга тушиб олишга, ўз манфаатларини рўёбга чиқаришга ва ҳатто ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамда ҳақиқат изловчилар қаторидан ўрин олишга интилишмоқда. Ҳозирги пайтда тарихни, маданий меросни уйдирмадан иборат қилиб қўйиш хавфи сақланиб қолмоқда ва ошиб бормоқда. Ёшлар учун ҳақиқатни ёлғондан ажрата билиш, миллий ифтихор туйғуси бошқа кишиларга нисбатан такаббурликка ҳамда кеккайишга айланиб кетмаслигига қараш муҳим. Ўтмишни билиш – бўлиб ўтган воқеаларни, тарихий тарққиёт жараёнида шаклланган мерос ва қадриятларни хотирада тиклашгина эмас, балки тарихий воқеаларни чуқур таҳлил

---

йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. // Каримов И.А Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2001.—122—132-бетлар; Каримов И.А. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. // Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 186—187-бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Танлаган йўлимиздан бизни ҳеч ким қайтаролмайди. // Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.—337-бет.

этиб, хулосалар чиқариш, истиқлол йўлида кенг фойдалана олишдир.<sup>3</sup>

Танлаб олинган ривожланиш йўлининг тўғрилиги ҳам шунга боғлиқ, чунки «ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир»<sup>4</sup>.

Маданий меросни тиклаш, ёшларимизда ўз буюк аجدодларимизга, улар меросига нисбатан ифтихор туйғусида тарбиялаш масалалари мамлакатимиз олимлари олдида турган масалалардан бири бўлиб, улар ҳам бу муаммонинг ечими билан шуғулланишган ва ҳозирда ҳам бу ишларни давом эттирмоқдалар.

Маданий меросимизни тиклаш ва бу меросни ёшларимизга етказиш бўйича улкан ишлар олиб борилмаганида ушбу ўзгаришларни қилишнинг имкони бўлмасди. Буюк давлат тўғрисидаги орзу, ҳақиқатга айланиши учун шароитни фақат шундай ёндашув яратиши мумкин. Маданий мерос, Ўзбекистоннинг тарихи доимо жаҳон цивилизациясининг бир қисми бўлиб келган. Шу боис мамлакатимизнинг ривожланишини жаҳон маданияти нуқтаи назаридан, жаҳон тараққиётининг глобал тамойиллари негизида кўриб чиқиш зарур. Акс ҳолда нафақат унинг маданий жиҳатдан нобуд бўлиши, балки миллий маданий меросни писанд қилмаслик ёки уни бузиш оқибатида миллий ўзига хослигидан, миллий идентификациядан маҳрум бўлиши хавфи туғилади.

Ёшларда миллий ифтихорни шакллантиришда миллий анъаналарни, ўз халқига мансублик туйғусини, фуқаролик ҳиссини, Ватан хавфсизлиги ҳамда яхлитлиги учун шахсий жавобгарликни сақлаб қолиш зарур. Ёшлар онгида Ватан тарихининг қаҳрамонона саҳифалари тўғрисида, маданиятнинг буюк ютуқлари тўғрисида тўғри тасаввурлар шаклланиши даркор. Буларнинг роли муҳим бўлиб,

---

<sup>3</sup> Юсупов Э., Абдурахмонов Ф. Маънавий камолот-мустақил тараққиётнинг асосий омили. - Т.: "Академия", 1999. - 27-бет.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.//Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: "Ўзбекистон", 1996.— 40-бет.

фуқароларнинг ўзлигини англаш ва ватанпарварликни мустаҳкамлашда қадрият йўналишларини кўрсатиб беради.

Ўз маданиятини билиш-ўз халқининг маданий меросини билишдир. Ўз маданиятимизни, маданий меросимизни қанчалик яхши билсак, оламда ўзимизни шунчалик яхши англаймиз, муайян миллатга, маданиятга мансублигимиздан шунчалик кўп ифтихор ҳис этамиз. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди»<sup>5</sup>.

Маданий меросни билиш ўтмиш тўғрисидаги тасаввур бўлиб, ўтмиш тажрибасини ҳозирги замонда ишга солиш имкониятини яратади.

## **ЎЗБЕКИСТОН: ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

**О. Абдимўминов, магистрант.**

**Н. Эгамбердиева, тадқиқотчи.**

Ўзбекистон мустақиллиги халқимиз тарихининг кўп йиллик шонли ва нурли саҳифаларида туб бурилиш бўлиб, инсонпарварлик ва демократия билан йўғрилган янги босқични бошлаб берди. Истиқлол том маънода халқимизнинг азалий орзу умидлари ва тарихий менталитетидан келиб чиққан ҳолда, халқ, миллат фалсафасига айланиб улгурди. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов юксак фахр ва ифтихор билан “Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз кадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг вориси эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.—137-бет.

дадил қадам қўяётган буюк халқимиз”<sup>1</sup>- деб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Халқимиз янги мингйилликка туб ислоҳатлар орқали ўзига хос янги ланишлар ва модернистик тараққиёт билан дадил қадам ташламоқда. Бу тараққиётнинг замирида, илдизида, мафкуравий-маънавий негизларида умуммиллий ва умуминсоний қадриятлар билан йўғрилган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ғояси, мақсади ётади.

Модомики, гап фуқаролик жамияти ҳақида борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизда “фуқаролик жамияти” ибораси ёки уни бунёд этиш ғояси кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Бунга тарихнинг ўзи гувоҳ.

Агар тарихга мурожат этиб мушоҳада этсак, фуқаролик жамияти бу- бундан неча асрлар илгари Абу Наср Форобий ўз асарларида илмий асослаб берган, Махмудхужа Бехбудий, Фитрат, Чўлпонлар бунёд этишни орзу қилган фозил ва комил инсонлар жамиятидир.

Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, бунда давлат сиёсатининг объектида ҳам субъектида ҳам инсон, шахс манфаатлари туради. Бундай жамиятда инсон ислоҳатлар учун эмас, балки ислоҳатлар инсон учун хизмат қилади. Фуқаролик жамиятида комил инсон шахсини шакллантириш, соғлом авлод, ижтимоий ҳимоя масалалари бирламчи туради. Бинобарин, бу масалалар давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидир. Бизнингча, фуқаролик жамиятининг асосий белгилари қуйидаги тамойилларда намоён бўлади.

**Биринчидан,** фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятининг юксаклиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркин қатнаша олиши, кўппартиявийлик, ошкоралик, жамоатчилик фикрининг маъқулланиши ва унинг амалий ифодаси;

**Иккинчидан,** демократик ислоҳатларнинг амалга оширилиши, ислоҳатларнинг халқ манфаатларини ифода

---

<sup>1</sup> Қаримов И. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз” 8-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” 2000 йил, 69-бет.

этиши, халқнинг ислоҳатлар учун эмас, ислоҳатларнинг халқ учун хизмат қилиши, кучли ижтимоий сиёсатнинг амалда намоён бўлиши;

**Учинчидан,** фуқаролар ва улар тузган нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотлари ижтимоий ҳаётни бошқариш ва тартибга солишда фаол иштирок этиши, давлатнинг баъзи бир вазифаларини ўз зиммасига олиши, жамиятни бошқариш соҳасида ҳар бир фуқаронинг фаол иштирок этгани ҳолда, “фуқаро-давлат-жамият”<sup>2</sup> тамойилининг узвий муштараклиги;

**Тўртинчидан,** жамиятни демократик янгилашлар даврида халқнинг етакчи ўрин тутишида ва ягона мақсад - юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида бир бўлиб ҳаракат қилишида

**Бешинчидан,** халқнинг маънавий ҳаёти ҳам давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлишида, миллий қадриятлар ва анъаналарнинг қайта тикланишида ва миллатнинг, халқнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиб, демократик тараққий этган маърифий дунё билан ҳамкорлик қилишида в.х.

Биз мустақилликни катта ва узок машаққатлар, қурбонлар эвазига қўлга киритдик. Ўзбекистон мустақллиги шаротида кучли фуқаролик жамияти қуриш учун барча асослар ва имкониятлар мавжуд. Миллатнинг ёш фаразандилари сифатида буюк ишонч билан таъкидламоқчимизки, ватанимиз осмонида истиқлол қуёши мангу порлайверади. Демокчимизки, биз бугун келажаги буюк фуқаролик жамиятининг бунёдкори сифатида Ватан равнақи йўлида хизмат қилишимиз даркор. Зеро, биз Абу Наср Фаробий каби улуғ алломаларимиз асарларида илмий асосланган фозил одамлар шахридан фозил инсонлар жамиятига шахдам қадам ташладик. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн олти йиллигида шуни истиқлолий мамнуният билан таъкидламоқчимизки, ватанимиз Ўзбекистон буюк ишлар бўсағасида турибди. Бу ишларнинг

---

<sup>2</sup> Эрқаев А. Фуқаролик жамияти пойдевори “Тафаккур” 2003 йил 4 сон, 4-11 бетлар.

дебочаси эса ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлардир.

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАСАЛАСИ**

**Д. Муртазаев, магистрант**

Мустақиллик – том маънода инсон эрки, озодлиги билан боғлиқ бўлган улкан қадриятдир. Ҳар қандай мустақил давлат ўзини сиёсий мустақиллигини бевосита фуқаролар тақдири билан боғлиқ бўлган эркин жамият ва озод шахс тимсолида кўрсатмоғи лозим.

Мустақилликнинг дастлабки йилидаёқ Ўзбекистонда «Ислоҳатлар ислоҳат учун эмас, ислоҳот инсон учун» тамойили илгари сурилди ва изчиллик билан амалга оширилди. Яъни ҳар қандай ислоҳат, янгиланишлар энг аввало инсон онги ва тафаккури, қалби ва туйғулари орқали амалга оширилмоғи лозим. Бунинг учун дастлаб одамларни ислоҳатларга тайёрлаш, унга бутун имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш, эркинлик бериш зарур эди. Бу ўз-ўзидан жамиятни эркинлаштириш, демократик тамойилларни чуқурлаштиришни тақозо этади. Ана шу жиҳатларни назарда тутиб, Президент И.Каримов «Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга тадбиқ этишни ҳамда уларни ҳимоялашни жамиятнинг ўзи англамоғи даркор»<sup>1</sup>, деган эди.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон танлаган йўл инсон манфаатлари тўла ҳимоя қилинган, унинг эрки, озодлиги ҳар томонлама ҳуқуқий кафолатланган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидир. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда аҳолининг муҳтож табақаларини ҳимоялаш

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 24-бет.

энг устивор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қоидаси бўлиб келганига ишонч ҳосил қиламиз.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсат ҳаводан ёки қайсидир давлат тажрибасидан олингани йўқ. Унинг илдизлари халқимизнинг миллий қадриятларига бориб тақалади. Қадим-қадимдан аждодларимиз ночор одамлар, қариялар, етим-есирларга ёрдам беришни инсоний бурч, савоб иш деб билганлар. Муқаддас Қуръони Каримда, Ҳадисларда ҳам етим-есирларга кўмаклашиш, қаровсиз қолган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш энг савобли иш эканлиги ёзиб қўйилган. Халқимиз асрлар давомида бу ҳикматларга амал қилиб келганлар. Инсонпарварлик, бағрикенглик, олижаноблик миллатимиз турмуш тарзига айланиб кетмоқда. Бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида ҳам ўз аксини топди. Унда “Аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, ночор оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни ошириш, уларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондирилишини таъминлаш, уларга моддий ёрдам ва маънавий мадад кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини кучайтириш”<sup>2</sup> каби қатор масалалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” ҳақида маъруза қилиб, истиқлол йилларида мамлакатимиз, халқимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини батафсил, чуқур таҳлил қилди ва келгусида

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши. “Халқ сўзи”, 2006. 12 декабрь.

олдимизга турган вазифаларни аниқ белгилаб берди. Бу вазифалар бир сўз билан айтганда “Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун”<sup>3</sup> эзгу тамойилни тўлиқ амалга оширишдан иборат эканлиги доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб қолаверади.

## **МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ**

**М. Юлдошева, т.ф.н.  
Н.Жамилов, тадқиқотчи**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган сана 1991 йил 1 сентябр-ҳалқимиз тарихидаги туб бурилиш нуқтаси бўлди. Мустақиллик даврида ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий, социал, маданий, маънавий, бир сўз билан айтганда, барча жабҳаларида тарихий бурилиш бўлди.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш учун, аввало, инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бериши зарур. Зеро, кишилар тафаккурини банд этган эски андозалардан, тор қолиплардан, ўз умрини яшаб бўлган ақидалардан халос этмай туриб, янги давр, тарихий тараққиёт билан табиий равишда бирга келадиган муаммоларни ҳал этиб бўлмайди.

Собиқ тоталитар тузум даврида олиб борилган, халқларни ялпи манқуртлаштириш сиёсати ўзбек халқини ҳам ўз тарихидан, маданиятидан, маънавий қувватидан, миллий ҳиссиётидан, ўзлигидан айиришга анча-мунча улгурди. Советлар давридан қолган бундай оғир «мерос» ҳақида кейинчалик Президент И.А.Каримов «Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди»<sup>1</sup>.

Тарихнинг аччиқ сабоқларидан бири шуки, маънавият, ахлоқ-одоб инсон хатти-ҳаракатларининг, фаолиятининг, эҳтиёжларининг мезонига айланмай туриб, жамият биронта

<sup>3</sup> Қаранг: Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 2007.

<sup>1</sup> Каримов.И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 7-бет., 46-бет.

муаммоларни самарали ҳал этиши ва ижтимоий тараққиётга эришиши мумкин эмас. Биргина мисол – Туркистон ўлкасининг XIX аср 70 йилларида Россия империясининг мустамлакасига айланиши тарихи. Халқимиз тарихидаги бу қайғули ходисанинг кўплаб сабабини келтириш мумкин. Аммо энг асосийси, элга бош бўлиши лозим бўлган ҳукмдорлардан тортиб, бой ва уламоларгача ўз шахсий манфаат доирасида ўралашиб қолганлиги, истиқлол учун курашган зиёлиларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, жамият кишилари бирлаша олмагани эканлиги, десак хато қилмаймиз. Зеро, XX аср бошларида тараққийпарвар зиёлилардан бири айтганидек: «Инсонни дунёда яшамоғи учун молу жонга эҳтиёжи бўлса-да, дунёни иззати ва охиратни саодати учун восита бўлинган илму адибга зиёдароқ эҳтиёжи бордур. ».<sup>2</sup>

Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан маънавий масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Президент И.Каримовнинг 1992 йил эълон қилинган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг алоҳида боби «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб номланади ва унда илк бор маънавий меросни тиклаш ва жамият маънавиятини юксалтириш масалалари батафсил таҳлил этилди. И.Каримов Мустақил Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш йўли ҳақида фикр юритиб, хусусан, шундай дейди: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир».<sup>3</sup>

Маънавиятсиз келажак йўқ. Зеро, Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта

---

<sup>2</sup> «Ойна» (1914-1915 й.) -Т.: Академия, 2001, 42-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. “Ўзбекистон”, -Т.: 1996. 80-бет.

олмайди. Шунинг учун мамлакат келажаги унда яшаётган кишиларнинг онги, маънавияти даражаси билан боғлиқ. Инсон рухияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, дунёқарашига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлганидагина, демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши мумкин бўлади.

Тарихий тараққиёт йўлида инсоният тўплаган тажриба ва сабоқлар маънавий мезон ва қарашлар тизими сифатида авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади. И.А.Каримовнинг тарихчи олимлар билан суҳбатида: «Тарих— халқ маънавиятининг асосидир», - деб айтган сўзларининг мазмун моҳияти ана шунда. Тарих сабоқлари инсонни хатолардан асрайди, хушёрликка ўргатади. Бироқ таъкидлаш жоизки, маънавият фақат мерос бўлиб авлоддан авлодга ўтадиган тарихий қадрият бўлмай, доимий ривожланиб, янги давр қадриятлари билан бойиб, уйғунлашиб борадиган доимий ҳаракатдаги ходисадир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: «Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада раванқ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир».<sup>4</sup>

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИ - ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

**М. Нуриддинова, тадқиқотчи.**

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидаларидан бири – кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласидир. Бугунги кунда

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Ўзбекистон”, -Т.: 1998. 21-бет.

юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли, кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда. Ижтимоий ҳимоя сиёсатининг долзарблигини таъкидлаб Ўзбекистон Президенти И.Каримов аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қондаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади<sup>1</sup> деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, кучли ижтимоий ҳимоя одамларнинг турмуш даражасини кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Мамлакатда осойишталик ва барқарорликни сақлаш омили бўлиб хизмат қилади.

Энг аввало, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аҳоли тоифалари – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, талаба ва нафақахўрлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш зарур. Бу борада республикада кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, нафақалар ва стипендиялар миқдори анча оширилди, 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш ва икки ёшгача бўлган гўдаклар ҳамда камқонлик касаллигига учраган ҳомиладор аёлларнинг бепул овқатланиши ташкил этилди. Мактаб ўқувчилари ва талабалар тушлик овқати қийматининг 50 фоизи чегириб ташланди. Нарх-навонинг ўсиши муносабати билан иш ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқишни ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари қаторига киритиш зарур. Шу билан бирга, мамлакат аҳолисининг қарийб ярмини ташкил қиладиган ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш – замонавий таълим-тарбия олиш, зарур касб-ҳунарларни эгаллаш, ўз имкониятларимизни юзага чиқариш учун барча шароитлар яратилди.

Президент И.Каримов Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида «яқинда тасдиқланган 2007 йилнинг давлат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 128-бет; Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Халқ сўзи», 2007 йил 20 март.

бюджетида бу йўналиш бўйича, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини анчагина ошириш кўзда тутилган. Қисқа қилиб айтганда давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган умумий ҳаражатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган ҳаражатлар миқдори эса 2007 йил бюджетидида 7 фоизни ташкил этиши кўзда тутилмоқда»<sup>2</sup> деб таъкидлади.

2007 йилнинг республикамизда «Ижтимоий ҳимоя йили»,<sup>3</sup> деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Ижтимоий ҳимоя масаласи – бу нафақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмасдан, балки, жамоатчиликнинг, барчамизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим. Ён атрофимиз, маҳалламиздаги ёлғиз кексалар, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшаётган ногиронлар аҳволидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмаклашиш ҳам сизу-бизнинг инсонийлик бурчимиздир. Зеро ҳар қандай давлат аҳолиси моддий ва маънавий қўллаб-қувватланса, ҳимоя қилинса, албатта, юксак тараққиёт, ривожланиш рўй беради. Бу эса инсонга муносиб турмуш шароитни яратиб бериш ва ўз навбатида жамият барқарорлигини таъминлаш омили бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини яна чуқурроқ

---

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. «Халқ сўзи». 2006 йил 8-декабр.

<sup>3</sup> Қаранг: «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. «Халқ сўзи», 2003 йил 13 декабрь.

сингдириш биз илмий тадқиқотчиларнинг долзарб вазифамиздир.<sup>4</sup>

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ТАЪЛИМИ ТАРҚҚИЁТИ: ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР**

**О.Абдимўминов, магистрант.  
Қ. Тайирбекова, тадқиқотчи.**

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб таълим соҳаси давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Хусусан, 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”<sup>1</sup> таълим тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш учун катта имкониятларни яратди.

Республикамызда ёшларнинг таълим олиш истиқболларини белгилашда қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинган:

-ёшлар таълим-тарбиясининг инсонпарварлиги ҳамда демократиявийлиги;

-давлат таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;

-ёшлар таълимида умуминсоний ва умуммиллий, маданий қадриятларнинг устиворлиги;

-давлат таълим стандартлари доирасида инсон учун унинг миллати, эътиқоди, динидан қатъий назар таълим олиш имконияти яратилганлиги;<sup>2</sup>

- таянч таълимнинг мажбурийлиги;

-таълим муассасаларда ёшларнинг чет тилларни жиддий ўрганиши, халқимиз тарихи, маданияти ва анъаналари, жаҳон маданияти ва тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;

---

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Халқ сўзи», 2007 йил 1-июль; Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида «Халқ сўзи», 2006 йил 26 август.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т.: 1997 йил.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 9-бет. 41 модда.

-ёшлар таълим оладиган муассасаларининг турли замонавий компьютер технологиялар билан жиҳозланганлиги;

-таълим тизимининг илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилганлиги в.б.

Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим соҳасидаги туб ислохатлар ўзига хос демократик умуммиллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ташкил топган. Бу ҳақда тўхталиб, Президентимиз И. Каримов “Таълим-тарбия ислоҳати ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: бизга битирувчилар эмас, мактаб таълимини кўрган шахслар керак. ... Ишончим комил: агар бу ислохатни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимиздаги ижобий маънодаги “портлаш эффекти”га яъни унинг самарасига эришамиз”<sup>3</sup>, деб таъкидлаган эдилар Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон бугун ёшлар таълимини ривожлантириш соҳасида бу йўлдан дадил бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий, таълимий ҳаётни эркинлаштириш борасидаги ислохатлар мустақил Ўзбекистон тараққиёти ва гуллаб яшнаши учун объектив шароитлар яратиб беради. Ёшлар учун бу янги ҳуқуқ ва эркинликлар афзалликларидан фойдаланиш имкониятини англатади. Ёшларнинг асосий кўпчилик қисми фуқаролик, демократик жамият яратишга ва ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган ислохотларни қўллаб-қуватлайди. Улар иқтисодий эркинликларнинг афзалликларни англаб етадилар, юксак маънавият билан келажаққа ишонч билан қарайди.

2005 йилда “Ижтимоий фикр” маркази Республикамизнинг 14 та ҳудудида 1504 нафар 14 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёш йигит-қизлар орасида ёшлар муаммолари бўйича муҳим социологик тадқиқот ўтказди. Тадқиқот натижалари ёшларнинг жавоблари, уларнинг мавжуд

---

<sup>3</sup> Каримов И. “Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни –миллат қилишга хизмат этсин” “Тафаккур”, 1998 йил, 2-сон.

муаммоларни тушунишлари ҳақида, иккинчидан-мавжуд муаммоларнинг сабаблари ва энг асосийси, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Тадқиқотда берилган муаммоли саволларга кўра<sup>4</sup>:

**“Бугунги кунда сизни нима кўпроқ қизиқтиради?”** деган саволга 24,07 фоиз ёшлар ўқув юртларида ўқиш ва мутахасислик олиш, 4,6 фоиз ёшлар таълим, фан, 7,24 фоиз ёшлар китоблар, деб жавоб берган бўлса, **“Ўзбекистон ёшларини бугунги кунда қандай муаммолар энг кўп ташвишга солмоқда?”** деган саволга 14,64 фоиз ёшлар мутахасислик ва таълим олиш, деб жавоб берганлар. **“Ўзбекистон жамиятида ҳурмат, эътибор қозониш учун ёшларга нима зарур?”** деган саволга 20,76 фоиз ёшлар ўқимишли бўлиш, мутахасисликка эга бўлиш, деб , 16,8 фоиз ёшлар тарбияли, маданиятли бўлиш, 8,7 фоиз ёшлар ўзига тўқ ота-оналар деб жавоб берганлар **“Ёшларнинг нуфузли ишга жойлашиши учун нима зарур?”** деб берилган саволга энг кўп 26,64 фоиз ёшлар ўқимишли бўлиш, 14,28 фоиз ёшлар мутахасисликка эга бўлиш, 11,69 фоиз ёшлар иш тажрибасига эга бўлиш, 10,99 фоиз ёшлар компьютер саводхонлигини билиш, 13,95 фоиз ёшлар тилларни билиш, деб жавоб берганлар.

**“Нима учун олий маълумот олиш зарур”** деган саволга 32,4 фоиз ёшлар яхши ишга жойлашиш мумкин, 19,48 фоиз ёшлар магистратура, аспирантура, докторантурада ўқишни давом эттириш мумкин , 14,37 фоиз ёшлар олий маълумотли бўлиш жамиятда нуфуз беради, 13,12 фоиз ёшлар ишга жойлашиш имконияти кўпроқ, 10,45 фоиз ёшлар карера қилиш мумкин, 9,48 фоиз ёшлар кўпроқ пул ишлаш мумкин, 0,45 фоиз ёшлар жавоб беришим қийин, деб жавоб берганлар.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда таълим олиш борасида ёшларда икки хил муносабат, қараш, тендеция мавжуд. Биринчидан, бир гуруҳ ёшлар ўз келажагини маълумот, таълим-тарбия, маданият

---

<sup>4</sup> Қаранг: Қосимов Ш. Таълим-бандлик-кариера. Т.: 2005 йил, 25-март.

билан боғлиқ деб ҳисобласа, иккинчидан бир гуруҳ ёшлар ўз келажагини ота-онасининг жамиятдаги ўрни, обрўи, таниш-билишчилик ва пул билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Мана шу иккинчи гуруҳ ёшлар жамиятимизнинг “оғриқли нуқталари”дир.

Юксак фахр ва ифтихор билан шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, бугунги кунда республикамиз таълим тизими самараси ўлароқ Ўзбекистон ёшлари халқаро аренада дадил қадам билан бормоқда. Зеро, Ўзбекистон ёшлари дунёда ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмайди.

## МУНДАРИЖА

1. М. Олтинов. Мустақиллик шароитида  
Р. Ҳосилов Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги  
мавқеи ва нуфузи.
2. С. Иноятов. Миллий истиқлол ғояси-демократик  
янгилашларни аниқ мақсадлар сари  
йўналтирувчи куч.
3. Ғ. Темиров Талаба-ёшларни Ватан мустақиллиги  
руҳида тарбиялаш долзарб вазифа.
4. Ш. Муҳаммадиев Шахс ва жамият маънавияти-комиллик  
А. Муҳаммадиев меъзони
5. М. Олтинов. Ўзбекистон мустақиллиги-жамиятни  
Ф. Полвонова демократлаштириш ва мамлакатни  
модернизациялашнинг сиёсат асоси.
6. Р. Ражабов. Ўзбекистонда демократик жамиятга  
М. Йўлдошева. ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. М. Йўлдошева. Ўзбекистон мустақиллиги: тарихи ва  
ҳозирги замон
8. З. Ҳайитов. Миллий ғоя-мамлакат мустақиллигининг  
маънавий негизи.
9. Ф. Ширинова. Миллий истиқлол-мозийнинг истиқболи  
сифатида.
10. С. Ҳамроева. Ўзбекистон мустақиллиги-маънавий  
кадриятларни қайта тиклаш ва  
юксалтириш асоси.
11. Қ. Шоимов. Кучли ижтимоий ҳимоя-Ўзбекистонда  
ислохатларнинг устивор йўналиши  
сифатида.
12. У. Муродуллаев. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида  
миллий маданий меросимиз равнақи.
13. О. Абдимўминов, Ўзбекистон: ҳуқуқий демократик давлат  
Н. Эгамбердиева. ва фуқаролик жамияти сари.

14. Д. Муртозоев. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ижтимоий ҳимоя масалалари.
15. М. Йўлдошева.  
Н. Жамилов. Мустақиллик ва маънавият.
16. М. Нуридинова. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ижтимоий ҳимоя сиёсати-жамият барқарорлигининг муҳим омили.
- 17 О. Абдимўминов. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар таълими тарққиёти: тажриба ва муаммолар
- Қ. Тайирбекова.

Навоий давлат педагогика институти Илмий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия этилган

Муҳаррир: М. Содиқова.  
Нашриёт рақами: М-823  
Босишга рухсат этилди: 26. 11. 07  
Қоғоз бичими 80х64  
Офсет босма. Офсет қоғоз.  
Ҳисоб-нашриёт т. 2,5  
Шартли босма табоқ 2,8 б.т. .... – буюртма.  
200 нусхада. Келишилган нархда.

ЎзР Фа «Фан» нашриёти: 100170,  
Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 9-уй.

Босмахона манзили: Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 45-уй.



